

Хеч қандай мол-мулкка эга бўлмаган, давлатга бутунлай қарам, мени давлатнинг ўзи боқади, дея боқимандалик кайфияти билан яшайдиган ҳолатдан ўзининг ҳалол меҳнати билан қўлга киритган, ўзининг ҳам, болаларининг ҳам фаровонлигини таъминладиган мулкка эга бўлган, биринчи галда, ўз кучи, билими, тажриба ва ташаббусига таяниб иш юритадиган мулкдорлик ҳолатига ўтиш — буларнинг барчаси осон кечмайдиган, лекин ўта муҳим ҳаётий жараёндир.

Ислом КАРИМОВ

Ўтган уч йил давомида республикамызда 306 та янги турдаги таълим муассасалари ташкил қилинди. Шундан 46 таси олий ўқув юртлири қошидаги академик лицейлардир. Академик лицейларда айни пайтда 9821 нафар ўқувчи ижтимоий-гуманитар фанлар, аниқ фанлар, табиий фанлар ва хорижий филология йўналишлари бўйича чуқурлаштирилган таълим олмоқда.



А.ТЎРАЕВ сурати

Моҳият

Бола тарбияси учун давлатни бошқаришдан кўра ҳам теранроқ мушоҳада, ундан ҳам чуқурроқ донишмандлик керак.

У.ЧЭННИНГ

КЕНГАШ

ЯРИМ ЙИЛЛИК ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Яқинда Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Х.Ҳалимов олиб борди.

Мажлисида 2001 йилнинг биринчи ярмида Қорақалпоғистон Республикаси прокуратура идоралари томонидан олиб борилган ишлар яқунлари ва келгусидаги вазифалар муҳокама қилинди. Кун тартибидagi масала юзасидан Республика прокурори Х.Ҳалимовнинг маърузаси тингланди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси прокуратураси бўлим бошлиғи А. Маннонов қатнашди.

Қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шунингдек, жорий йилнинг ўтган олти ойи яқунларига бағишланган ҳайъат йиғилишлари Тошкент шаҳар, Тошкент вилоят, Жиззах ва Хоразм вилоят прокуратураларида ҳам бўлиб ўтди.

(Ўз мухбиримиз.)

ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

КАСБНИ БОЛА ТАНЛАСИН...

Маълумки, таълим тизимидаги ислохотлар «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида жадал суръатда амалга оширилмоқда. Бу йил биринчи босқич яқунланиш арафасида. Ўтган давр мобайнида тизимда мисли қўрилмаган ишлар амалга оширилди. Эртанги кунимиз давомчилари бўлган ёшлар бугун замонавий андозаларга мос равишда барпо этилган кенг, ёруғ, кўркем биноларда тахсил олмоқдалар.

Тан олиш керак, ёш, мустақил юртимиз ўтиш даври билан бирга янгиланиш жараёнини ҳам бошдан кечирмоқда. Бундан таълим тизими ҳам мустасно эмас. Шу боис ўшбу босқичда айрим тушунмовчиликлар, ҳақли саволлар туғилиши табиий ҳол.

Тахририятимизга муштариёлар ана шу маънода кўнгирок, мактублар орқали ўрта махсус касб-хунар таълими йўналиши бўйича саволлар билан мурожаат этишмоқда. Муштариёларнинг талабларидан келиб чиқиб мухбиримиз Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус касб-хунар таълими марказида бўлди.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»га кўра касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда олиб борилади. Бу таълим турида аввалги 9 йиллик ўқиш узлуқсиз равишда давом эттирилади ва танланган маълум касб бўйича «кичик мутахассис»лар тайёрланади. Академик лицейларда эса йўналишлар бўйича чуқурлаштирилган билим берилади.

Касб-хунар коллежларига қабул фақат жойлардаги халқ таълими бўлимлари қошида тузилган «Ташхис маркази» йўлланмаси асосида ташкил этилган. Бу дунё таълим тизимида ўхшаш ийқ амалиёт ҳисобланади. Бу борада энди

тажриба орттирилаяпти. Болаларни касб-хунарга йўналтириш мактаб жамоаси билан ота-оналар ҳамкорлигида, Ташхис марказлари иштирокида амалга оширилади. Марказ ўқувчиларнинг қобилиятлари ва мойилликларини аниқлаш, соғлиқни сақлаш муассасалари билан ҳамкорликда тиббий-педагогик кўриклар ўтказиш, ўқувчиларга ва уларнинг ота-оналарига психологик-педагогик ёрдам кўрсатиш, ўқувчиларнинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда академик лицей ва касб-хунар коллежида таълимни давом эттириш учун йўналиш танлашда тегишли кўрсатмалар беради.

(Давоми 2-бетда.)

«HUQUQ»

YURIDIK GAZETA

Ta'sischiilar

O'zbekiston Respublikasi

prokuraturasi,

Toshkent shahar va Toshkent

viloyati prokuraturalari,

«Qonun himoyasida»

jurnali

Bosh muharrir:

Abdusoliq

ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,
Komiljon Ismoilov,
Dilshod Isomov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Shavkat Yodgorov
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Muxtor Shodmonov,
Ahmadjon Xudoyberganov

Gazeta Davlat matbuot
qo'mitasida №00150 raqam
bilan ro'yxatga olingan
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Manzil: Toshkent shahri,
akademik Yahyo G'ulomov
ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34.

Reklama va e'lonlar:
77-68-67, 77-59-31.

E-mail: huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'lyozma
va suratlar e'galariga
qaytarilmaydi.

Mualliflarning fikrlari
tahririyat fikridan farqlanishi
mumkin. Gazetada bosilgan
fakt va dalillar uchun
muallif mas'ul.

Nashrimizdan ko'chirib
bosilganda «Huquq»dan
olinganligi ko'rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik
materiallar ** belgisi ostida
chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter
bazasida terildi va sahifalandi.
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasida ofset
usulida A-3 formatda
chop etildi.

Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma 7 - 2649
Nusxasi — 20609

Bosmaxonaga topshirish
vaqti 20.00

Bosmaxonaga
topshirildi 18.30

Gazeta haftaning chorshanba
kunlari chiqadi

Navbatchi muharrir:

H. NISHONOV

Navbatchi: N. MAHMUDOV

Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

КАСБНИ БОЛА ТАНЛАСИН...

(Бошлангичи 1-бетда.)

Ўқувчиларни тақсимлашда, яъни уларга академик лицей ёки касб-хунар таълимига тавсия беришда муаммолар ҳам юзга келмоқда. Яъни кўпчилик ота-оналар болаларининг академик лицейларда (ўқишни олий ўқув юртида давом эттириш учун), яна маълум қисми ҳуқук, солиқ, божхона соҳаларига

Республикамизда 260 та касб-хунар коллежлари бўлиб, уларда 11 та касб соҳалари бўйича кичик мутахассис кадрлар тайёрланмоқда. Касб-хунар коллежларида таълим олаётган ўқувчилар сони - 59525 нафар.

да таълимнинг барча шакли бўйича тўлов-контракт асосида касб-хунар коллежларига мос равишда: кундузги бўлимларда 2-курсга; кечки ва сиртки бўлимларда 3-курсга қабул қилинади. Мазкур тоифа абитуриентларни қабул қилиш махсус синов натижалари бўйича амалга оширилади. Ўрта махсус таълимнинг айрим мутахассислик-лари бўйича махсус синовлар билан бир қаторда қўшимча касбий (ижодий) синовлар ўтказилади.

Касб-хунар коллежларига ўқувчиларни қабул қилиш умумий ўрта таълим (санъат ва мусиқа) мактабларининг 9-синфини битирган ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик таълим марказининг тавсиянома-

сига кўра амалга оширилади. Бироқ маълум йўналиш бўйича ўқиш истagini билдириб ҳужжат топширган абитуриентлар сони таълим муассасасининг имкониятлари даражасидан ошиб кетган тақдирда махсус синов ўтказилади. Академик лицей-

соат вақт берилади.

Синов ўтказиладиган мажмуанинг биринчи фани бўйича бир тўғри жавоб учун бериладиган балл миқдори 3,1 баллни, иккинчи фан

Академик лицей ва касб-хунар коллежларини замонавий жиҳозлаш учун давлат бюджетидан 1999 йилда 2,33 млрд., 2000 йилда эса 3,4 млрд. сўм ажратилган. Шунингдек, — Осиё тараққиёт банкидан 57 млн. АҚШ доллари; — Корея Республикасидан 35 млн. АҚШ доллари; — Япония ҳукуматидан 58 млн. АҚШ доллари миқдорда кредит берилган.

бўйича 2,1 баллни ташкил қилади.

Ўқувчиларнинг махсус синовларда тўплаши мумкин бўлган энг кўп бали — 130 баллни ташкил этади.

Махсус синовларда тўпланган баллга ўқувчи шаходатномасининг (аттестатининг) ўртача бали қўшилиб, умумий балл чиқарилади. Бу балл танлов мезони ҳисобланади.

Махсус синовлар тест усулида амалга оширилади.

Академик лицейда ҳам, касб-хунар коллежида ҳам олий ўқув юртига кириш учун керак бўлган ҳажмда барча умумтаълим фанларидан етарлича билим берилади.

Шунингдек, юқоридаги таълим муассасаларини тугатган ёшларимиз ўқишни олий ўқув юртида давом эттириш учун тенг ҳуқуққа эга.

Танловдан ўта олмаган ўқувчиларга қабул комиссияси томонидан касб-хунар коллежларидаги мавжуд бўш ўринлар (ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари томонидан аниқланган) тақлиф этилади. Танловдан ўта олмаган абитуриентлар турдош

йўналишлар бўйича касб-хунар коллежларига йўланади.

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, касб-хунар коллежиди ўқиш ўқувчиларга танлаб олинган йўналиш бўйича бир ёки бир неча ихтисослиқни эгаллаш имконини беради. Масалан, сановат соҳасидаги касб-хунар коллежини пайвандлаш йўналиши бўйича тамомаган талаба пайвандлаш бўйича уста касбига эга бўлади. Шу билан бир қаторда, унга пайвандлаш қурилмаларининг ҳамма турлариди ишлаш имкониятини берувчи ихтисослиқлар ҳам берилади. Демак, унинг ишга жойлашишда имконият ошади. Қолаверса, ҳар бир касб-хунар коллежларининг жойлардаги меҳнат корхоналари билан шартномалар ту-

зиши йўлга қўйилган. Унга кўра ишлаб чиқариш амалиётлари мазкур корхона ва ташкилотларда ўтади. Баъзан шундай бўладикки, амалиётни яхши ўтаган талаба ўқишни битирганидан сўнг шу корхонага ишга тақлиф этилиши мумкин.

Шу ўринда Сирдарёда вилоят ҳокимлиги, вилоят меҳнат бўлими,

ташкилот ва корхоналар ҳамкорлигида бўлиб ўтган хайриятд-бир тахсинга лойик. Ушбу тадбирда Гулистон қурилиш касб-хунар коллежининг 78 нафар битирувчи қалдирғочларидан 68 нафарига шу ернинг ўзидеёқ битирганлик тўғрисидаги гувоҳнома билан бирга меҳнат дафтарчалари ҳам топширилди. 10 та талаба эса олий ўқув юртига ҳужжат топширишди.

Касб-хунар коллежини битирган ўқувчилар ўқув режаси ва давлат таълим стандартларига мувофиқ ўзи истаган олий ўқув юртида ўқиш мумкин ёки ихтисослиги бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эканлигини ҳам марказ мутахассислари таъкидлаб ўтишди.

Жаҳонгир ШАРОФБОВ,
«Хуқуқ» муҳбири



махсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул қилишда аввалги йилларда турли сабаблар билан ўрта маълумотга эга бўлмаган, аммо бирор турдаги касб-хунарни эгаллаш билан бирга ўрта махсус маълумот олишни истаган ўқувчиларни қабул қилиш кўзда тутилган. Шунингдек, ўрта маълумот (11-синф) негизда ўқишга кирувчи абитуриентлар белгиланган тартиб-

Мажмуалар қуйдаги фанлардан тузилиши мумкин. Булар математика, физика, кимё, биология, тарих, она тили ва адабиёт, хорижий тиллар. Мажмуа таркибига кирадиган икки фан йўналиш (мутахассислик)ларга мувофиқ қабул комиссияси томонидан белгиланади. Мажмуанинг ҳар бир фани 25 топшириқни ўз ичига олиб, махсус синовлар учун 50 та саволга икки

ТАХРИРИЯТ ХАТҚУТИСИДАН

ТААЖЖУБАМИЗ

Хурматли Бош муҳаррир!

Биз, тахририятга ариза билан мурожаат этаётган фуқаролар Сурхондарё вилоятининг Узун туманидаги Ж.Эшмирзаев номи ширкат ҳўжалигида истикомат қиламиз. Биз ҳам газета-журналлар, телевидение орқали мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришлардан, ободончилик ишларидан хабардор бўлиб борамиз. Айниқса республикаимизнинг энг чекка туманларида ҳам амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳавасимизни келтиради. Бизнинг жамоа ҳўжалигимизда эса...

1996 йилда Т.Тошев ҳўжаликка раис этиб тайинланди. Жамоа аъзолари ундан янгича ташаббус, хайрли ишларга бош-қош бўлишдек фазилатларни умид қилмаган бўлсалар-да, мансабидан фойдаланиб халқ ва давлат мулк-ини талон-торож қилиб, шахсий бойлик тўплашга мўқасидан кетишни кутмаган эдилар. Т.Тошев қандай ноқонуний ҳаракат содир этган бўлса, барчаси терговда аниқланиб, судда ўз исботини топди. Қумўрғон туман судининг 1999 йил 27 октябрдаги ҳўқмига кўра унга 2 йил 6 ой муддатга ахлоқ тўзатиш жазоси белгиланиб, 2 йилга мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳўқуқидан маҳрум этилди. Т.Тошев ва бошқаларга нисбатан чиқарилган ушбу ҳўқм 2000 йилнинг 29 апрелида ижро этиш учун Узун туман ИИБга юборилган. Аммо ҳўқм ижроси асоссиз сабабларга кўра қолдирилган. Шундан сўнг вилоят адлия бошқармаси суд ҳўқмини ижро этмаганлиги учун туман ИИБга тақдиминома киритди. Лекин шунга қарамайдан ҳўқм ижроси ҳамон пайсалга солиб келинаётганлиги бизни таажжублантирмоқда.

Т.Тошев эса айни кўнларда ҳам эски лавозимини эгаллаш пайида юрибди. Бизни хавотирга солаётгани, наҳотки ҳўжалигимизга яна шу киши раис бўлса?

Т.Тилаков ва бошқалар

2001 ЙИЛ — ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ



Мамлакатимизда соғлом авлодни камол топтиришга, оналик ва болалиқни муҳофаза этишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Айниқса, 2001 йилнинг «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилиниши муносабати билан бу борала ҳўқуматимиз томонидан алоҳида дастур ишлаб чиқилди ва жойларда унинг ижроси таъминланиши доимий назоратда турибди.

Суратда: Бегуний тумани (Қорақалпоғистон Республикаси) Марказий шифонахасининг кардиология бўлими мудираси Шириной Матназарова бемор саломатлигини текшириб кўрмоқда.

САҲИФАЛАРИМИЗДА АНДИЖОН ВИЛОЯТ ПРОКУРАТУРА ИДОРАЛАРИ

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

Худуди 4,3 минг кв.км. Аҳолиси 2221,8 минг киши. Шундан 69,9 фоизи қишлоқда истиқомат қилади. Аҳоли зичлиги бўйича республикада биринчи ўринда туради, 1 кв.кмга 517 киши. Андижонда 85 та қўшма корхона мавжуд. Вилоятда ишлаб чиқарилган жами саноат маҳсулотларининг 46,4 фоизи ушбу қўшма корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Саноат корхоналарида йил давомида 83 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилади. Вилоятда пахтачилик ва ғаллачилик соҳасида ўзига хос мактаб яратилган. Бир гектар ердан ўрта ҳисобда 70 центнер ғалла, 31,8 центнер пахта етиштирилмоқда. Вилоятда 187 та ширкат ҳўжалиги ҳамда 3119 та фермер ҳўжалиги мавжуд. Ўтган йили вилоятда 260,6 млрд. сўмлик ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқарилди.



«... Жануби тарафидаги қасабалар(дан) бири Андижондурким, васатта воқъе бўлубтур, Фарғона вилоятининг пойтахтидур. Ошлиғи вофир, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур...»

(«Бобурнома»дан)

ХўП АЖОЙИБ ЮРТИМИЗ БОР

БИР ЎЛКАКИ...



Нурмуҳаммад ҚУРБОНОВ,
Андижон вилояти прокурорининг
биринчи ўринбосари

ишлаб ҳурмат-этибор қозонган фахрийларнинг ҳаёт йўлини тасвирловчи стендлар ташкил этилган. Музейда фахрийлар ва ёш авлод билан учрашувлар ўтказиш ҳамда тарбиявий аҳамиятга эга турли тадбирларни уюштириш одат тусига кирган. Шу билан бирга прокуратура идораларининг ибратли ишлари, илғор тажрибаларини оммавийлаштиришга, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда иш юритишга алоҳида эътибор берилаяпти. Бу ўз навбатида жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олишда яхши самаралар бермоқда.

Қўп қиррали фаолиятимизнинг муҳим жиҳатларидан яна бири фуқаролар эркинлиги, ҳақ-ҳуқуқи, умуман инсон манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат бўлмоқда.

Мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама етук, баркамол қилиб тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Буни Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қарори мисолида ҳам кўриш мумкин. Биз ҳам бу борада виллоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, маҳаллий ҳокимликлар, ўзини-ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда тадбирлар мажмуасини ишлаб чиққанмиз.

Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунларнинг ижро этилишини пухта назорат қилиш ва қонунчилик ахволидан доимий хабардор бўлиб туриш мақсадида виллоят прокуратурасида вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи 20 дан зиёд давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятларини мувофиқлаштириш хонаси ташкил этилган. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, виллоятда шу йилнинг олти ойи давомида вояга етмаганлар орасида жиноят содир этиш ҳолатлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,9 фоизга камайган.

Виллоят прокуратураси томонидан кичик ва ўрта бизнес субъект-

ларини, деҳқон ва фермер ҳўжаликларини қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга эътибор янада кучайтирилди. Масалан, Қўрғонтепа туманида фаолият кўрсатиб келаётган «Обидий» фермер ҳўжалиги «Андижонёғмой» акциядорлик жамиятига белгиланган тартибда пул ўтказиб берган бўлса-да, жамият томонидан шарт-нома шартлари қўпол равишда бузилиб, шартномада кўрсатилган миқдордаги ем маҳсулотлари етказиб берилмаган. Бунинг натижасида фермер ҳўжалиги манфаатларига 615 минг сўм моддий зарар етказилган. Виллоят прокурорининг амрномаси билан олинмай қолган озуқа маҳсулотлари ҳўжаликка ундириб берилди.

Шунингдек, ўтказилган текширишларда деҳқон ва фермер ҳўжаликлари томонидан қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари шартномада кўрсатилган муддатда етказиб берилган бўлса-да, уларга маҳсулот ҳақи мутасадди ташкилотлар томонидан вақтида тўланмаганлиги ҳолатлар аниқланиб, тегишли чоралар қўрилди.

Масалан, виллоятнинг Балиқчи туманидаги «Мирзакарим ота» фермер ҳўжалиги етиштирган пахта ва бугдой топшириб, 1,4 млн. сўм, «Бозорбой ота», «Авазбек», «Жаҳонгир» каби жами 16 та фермер ҳўжаликлари етказиб берган пахта ва бугдой учун 18 млн. сўм маблағни ўз вақтида олмаган. Виллоят прокуратураси томонидан фермер ҳўжаликлари 18 млн. сўмни ундириб бериш ҳақида виллоят ҳўжалик судига даъво аризалари киритилди. Ушбу даъво аризалари қаноатлантирилди ва фермер ҳўжаликларининг ҳақлари ундириб берилди.

Бир сўз билан айтганда, виллоятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунга зид ҳар қандай қўриқиларга муросасиз бўлиш фаолиятимизнинг асосини ташкил этади.

Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги муносабати билан барча ҳамкасбларимни табриклаб, уларнинг эзгу ишларида омадлар тилайман.

НАЗМ

ВАТАН МАДҲИ

Камол топган бешигинг,
Киндик қон томган тупроқ
Онанг каби ардоқлаб,
Оқ ювиб, кийдирган оқ,
Нимадир жондай суюк
Бағри бепоян, буюк?
— Унга ҳада жону тан,
Бу Ватандир, бу Ватан.

Сўлим гулшан, чаманзор,
Азиз дарё, тоғлари.
Ҳар гўшаси қадрдон,
Болга тўлиқ боғлари.
Нима у хуш ҳавоси,
Шўх қўшиқ, қуй-навоси?
— Гуллар барқ урган чаман,
Бу Ватандир, бу Ватан.


Жаҳонга юз тутган юрт,
Истиқлолни ардоқлаб.
Ота, деб эъзозлаган,
Юртбошини ёқлаб.
Қуёшдай эрки мангу
Қалбадаги энг пок тўйгу?
— Амудай жўшқин ўзан
Бу Ватандир, бу Ватан.

Муқом КОДИРИЙ,
Бўз тумани



Сой бўйи.

Фотолавлаларда бугунги Андижон



Қўшаҳифада А.Тўраев
олган суратлардан
фойдаланилди.

«ЎзДЭУавто»

ЎЗБЕКИСТОН ФАХРИ

Мустақиллик йилларида республикамизда қўлга киритилган улкан муваффақиятлардан бири — «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг бунёд этилганидир. 70 йилдан ортиқ давом этган шўролар даврида тузуқроқ бир саноат корхонасига эга бўлмаган мамлакатда қисқа вақт ичида мана шундай гигант, энг замонавий технология ва компьютерлар билан жиҳозланган қўшма корхона фаолият кўрсата бошлади. Фақат хом ашё базаси бўлган Ўзбекистон бугун дунёда энг ривожланган, ўз автомобиль заводига эга бўлган 28 мамлакат қаторидан муносиб ўрин олди.

Бугун кўчаларимизни тўлдириб юрган «Нексия», «Тико», «Дамас» автомобилларимизга хорижликларнинг ҳаваси келмоқда. Шу боис жаҳон андозаларига жавоб берадиган, замонавий автомобилларимизга нафақат Марказий Осиё, балки узоқ хорижий мамлакатлардан ҳам пешима-пеш буюртмалар келиб турибди. Юртимизда ишлаб чиқарилиб, жаҳон бозорига ўз харидорларига эга бўлган автомобилларимиз Ўзбекистон номини дунёга танитмоқда.


«ЎзДЭУавто» қўшма корхонасини тасмолда ўзбек халқининг ақл-заковати, салоҳияти ва қандай буюк ишларга қодир эканлиги амалда намоён бўлмоқда. Автомобилларни йиғиш, сошлаш жараёнидаги энг мураккаб юмушларни бемалол уйдлаётган ўзбек йигит-қизларини кўрган хорижлик мутахассислар ҳайратдан лол қолишмоқда ва мана шундай фарзандлари бор юртининг келажаги чиндан ҳам буюклигига ишонч ҳосил қилишмоқда.

Мустақиллигининг дастлабки кўнралиданоқ юртбошимиз халқимизни оламшумул, буюк ишларга, яъни келажақ авлод фахрлиниб юрадиган улкан иншоотлар бунёд этишга отланганди. Республика-миз президентининг 1994 йилда Жанубий Кореяга қилган расмий таширифи чоғида мана шу мақсад йўлида дадил қадам ташланди.

Орадан ҳеч қачна вақт ўтмай «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси қурилиши жадал суръатлар билан бошлаб юборилди. Асака шаҳри қурилиш майдонига айланди. Халқимизнинг ўз юрти, ватани учун

фидойилиги, яратувчанлиги, бунёдкорлиги мана шу қурилиш жараёнида яққол намоён бўлди. Ролпароса ўн етти ой дегадда қўшма корхона фойдаланишга топширилди. Кореялик ҳамкорлар ва хорижлик мутахассислар ўзбек халқининг гайрат-шижоатига, яратувчанлик салоҳиятига тан бердилар.

Уларнинг таъкидлашича, дунёдаги бирорта мамлакатда автомобилсозлик заводи бу қадар қисқа фурсатда қуриб битказилмаган. Россиянинг Тольятти шаҳридаги «Жигули» заводи қурилиши 6 йил



давом этганлиги эътиборга олинса, хорижлик мутахассисларнинг фикри нечоғли тўғри эканлигини янада яққолроқ ҳис қилиш мумкин.

«ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг Асака шаҳрида бунёд этилганлигининг ҳам ўзига хос сабаблари бор. Негаки аҳоли зичлиги жиҳатдан Андижон вилояти республикамизда биринчи ўринда туради.

Қўшма корхона фойдаланишга топширилиши билан юзлаб маҳаллий ёшлар доимий иш билан таъминланган бўлсалар, бугунга келиб уларнинг сони бир неча мингга ташкил этади. Заводнинг атрофида уни бутловчи корхоналар сони ҳам тобора ортиб бормоқда. Айни пайтда Андижон вилоятининг ўзи-

да «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасига бутловчи қисмлар етказиб берувчи 7 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Бундай корхоналар сони келгусида яна кўпайса, Фарғона водийсидаги энг долзарб муаммолардан бири — ишсизлик масаласини қисман бўлса-да бартараф этиш ҳамда республикамиз иқтисодиётига салмоқли ҳисса қўиш имкони яратилади.

Қўшма корхонага кирган одам бу ердаги мўъжизадан лол қолади. Ҳамма юмушларни техника, компьютерлар бажарапти. Бу ердаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш маданияти ўта юқорилигини ҳар қадамда сезиш мумкин.

Биз корхонада мураккаб дастгоҳларнинг бош пульталарида асосан Жанубий корейлик мутахассислар ишлаётган бўлса керак, деб ўйлагандик. Шу боис хорижлик мутахассислар корхона ишчиларининг неча фоизини ташкил қилиши билан қизиқдик. Маълум бўлишича, корхона янги фаолият кўрсата бошлаганда бу ерда 80 нафар Жанубий корейлик мутахассис ишлаган бўлса, ҳозирга келиб уларнинг ўндан бири, яъни бармоқ билан санарли ходимлари қолган ҳолос. Асосий, энг мураккаб иш жараёниларини ҳам маҳаллий кадрлар бемалол уйдлашяпти.

Шу қўнға қадар Жанубий Кореядаги етакчи автомобиль корхоналарида уч минг нафардан зиёд ўзбекистонлик ёшлар малака ошириб қайтдилар. Бу борада ҳам корейлик ҳамкорларимиз бизга яқиндан ёрдам беришди. Улар ўзбекистонлик ёшларнинг тиришқоқлигига, илмга, ҳунар ўрганишга чан-

қоқлиги ва энг муҳими зийраклиги ва қобилиятига қўйил қолдилар. Негаки, автомобиль ишлаб чиқаришда ҳеч қандай тажриба, малакаси бўлмаган ёшлар бу мураккаб ишни уйдлашига дастлаб кўпчилик ишонмаган эди.

Лекин ўзбекистонлик ёшларнинг тиришқоқлиги, ҳар бир мураккаб жараёни тезда илғаб, ўзлаштириб олиши мутахассислар эътиборини тортди. Улар ҳам ўзбекистонлик ёшларнинг бу фазилатларини ёқтириб, чин кўнгилдан ёрдам беришга киришдилар.

Мана, нҳоят ана шу изланувчанлик, тиришқоқлик ўз натижасини берди. Бугун «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасини ана шу ёшлар бошқаришяпти.

Бугун ўзбек автомобилсозлиги янада ривожланаяпти. «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасидан ишлаб чиқарилаётган автомобиллар тобора мукамаллашиб янги-янги марказлари, энг замонавий автомобилларнинг янги авлодлари дунёга келмоқда. Буни яқинда савдога чиқариладиган «Матиз-150» русумли автомобиль мисолида ҳам кўриш мумкин. «Матиз» ташқи кўриниши, ички қулайликлари, тежамкорлиги билан бошқа автомобиллардан фарқ қилади. Уни тўла маънода янги аср машинаси дейиш мумкин. Айни пайтда унинг «Супер» ва «Оддий» турларини ишлаб чиқаришга киришилди. «Матиз»га асосан «Тиконинг» шакли ва ички тузилиши асос қилиб олинган. У бошқа машиналарга қараганда йўлда хавфсиз ҳаракатланиши, енгил ва қўлай бошқарилиши билан ҳам ажралиб туради. У «Тиконинг» нисбатан ўн от кучига ортиқ ва ундан 365 килограмм оғирроқдир.

Хуллас, ўзбек автомобилсозлиги ривож топмоқда. Ҳали кўплаб янги русумдаги автомобиллар Ўзбекистон номини дунёга кўз-кўз қиладди.

Абдухшом МАДАТОВ,
«Хуқуқ» муҳбири

ЯШИЛ МАЙДОНЛАРДА

ГУРУХ ҒОЛИБИ АНИҚЛАНДИ

Республика прокуратураси идоралари ходимлари ўртасида футбол бўйича «Қонун ҳимоячиси» соврини учун бошланган ўйинлар Фарғона водийсида ҳам қизгин баҳслар остида ўтди. Андижон шаҳар марказий уйингоҳида дастлаб Андижон ва Наманган вилоятлари прокуратура идоралари ходимларидан таркиб топган футбол жамоалари майдонга тушишди. Ҳисоб — 1:1.

Иккинчи кун Фарғона ва Андижон вилоятлари прокуратура жамоалари ўзаро беллашдилар. Фарғоналиклар ҳужумкор ўйин намойиши этиб, мухлисларнинг олқишларига сазовор бўлишди. 5-дақиқада чап қанот ҳужумчиси Р.Солиев узатиб берган тўпни марказий ҳужумчи Д. Қўрбонов аниқ зарба билан дарвоза тўрига тушириб, ҳисобни очди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Андижон терма жамоаси ҳужумчилари дарвозабон Я.Уринбоев билан яксама-якка чиқишди. Бироқ ҳисобни тенглаштириш имкони бой берилди. Шундан сўнг фарғоналиклар тезкор ҳужумлар уюштиришди ва голлар сериясини намойиш этишиб, ҳисобни 4:0 га етказишди. Учрашувнинг сўнгги дақиқаларида А. Аскарлов бешинчи тўпни киритди.

Бу йирик ҳисоб Фарғона жамоасига турнирнинг навбатдаги босқичига йўлланмани нақд қилиб қўйгандек эди. Бунинг учун навбатдаги ўйинда наманганлик ҳамкасблари билан дуранг ўйнаса ҳам кифоя эди. Бироқ ўйин улар кутгандай

бўлмади. Беллашув кескин тус олди. Дастлабки дақиқаларда фарғоналиклар кетма-кет ҳужумлар уюштириб, рақибларини шошириб қўйгандек бўлди. Лекин наманганликларнинг жисмоний тайёргарлик жиҳатдан устуниликлари, ҳимояда ҳам, ҳужумда ҳам бир-бирларини тушуниб тўп суришлари ўз самарасини берди. Биринчи бўлимнинг 20-дақиқасида наманганлик ҳужумчиси С.Норбўтаев ҳисобни очди. Шундан сўнг ўйин янада қизгин тус олди. Наманган футбол жамоаси кетма-кет ҳужумлар уюштирди. Нҳоят ҳужумчи Ш. Ҳасанов ва жамоа сардори И.Солиев фарғоналик ҳамкасблари дарвозасига биттадан тўп киритиб, биринчи бўлимдаёқ ҳисобни 3:0 га етказишди. Иккинчи бўлимда ҳар икки жамоа биттадан тўп киритдилар, ҳолос. Ҳисоб 4:1 ва Наманган вилояти прокуратураси футболчилари гуруҳ ғолиби бўлиб, келгуси босқичга йўлланмани қўлга киритдилар.

Шу ўринда айтиш керакки, учрашувлар юқори савияда ташкил этилиб, уларни Республика тоифасидаги ҳакамлар бошқариб боришди. Мусобаканинг ёпилиш маросимида Республика прокуратурасининг бўлим бошлиғи Малик Эсонов наманганликларга келгуси босқичда ҳам омадлар тилади. Шундан сўнг терма жамоаларнинг энг яхши ўйинчиларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

(Ўз муҳбиримиз)



Андижон боғларида...

РЕКЛАМА

РЕКЛАМА



A System Integration Company

Консалтинг

Вычислительная техника

Периферия

Программное обеспечение

Сети

Обслуживание

Вы можете найти нас по адресу:

700100 г. Ташкент, ул. Бобура, 20, комн. 220.

Тел.: 998 (712) 54-26-46. Факс.: 998 (712) 53-26-06.

e-mail: atlcomp@online.ru

Будем рады сотрудничеству с Вами!



КОМПЬЮТЕРЛАР

ВА
ПРИНТЕРЛАР

SARKOR

INTERNETGA

БОҒЛАНИШ


тел.: 132 00 00

info@sarkor.com

«ХОРАЗМ МАВЕРА ПЛАСТ» ҚУШМА ҚОРХОНАСИ

- кабинет йиғмалари
- ётоқхона гарнитурлари
- ошхона гарнитурлари
- болалар хонаси
- компьютер столлари, жавонлар, эшик ва ҳ.к.

ПВХдан тайёрланган 16-150 ммли куворлар, 4,8,14,15,22 л.ли бидонлар, 5,10,17,25 л.ли канистралар, 1 ва 2 л.ли бутилкалар, турли хил пакетлар



Сизнинг чизма ва андозаларингиз асосида буюртмалар қобул қилимиз ва тайёрлаб беремиз.

Маҳсулот намуналари билан қуйидаги манзилда жойлашган савдо уйида танишишингиз мумкин:

Тошкент ш., Чилонзор тумани, Лутфий кўчаси, 41.
(Мўлжал Фарход бозори)



Телефонлар:
(997-712)
74-20-46,
74-29-29,
75-16-19

Республикаимизнинг барча вилоят ва шаҳарларидан дилер ва дистрибьюторларни ҳамкорликка таклиф қиламиз.

«САВДОҒАРБАНК»

йиллик 40 фоиз
даромад келтирадиган

«ЭГАСИНИНГ

НОМИ

КЎРСАТИЛМАЙДИГАН»



Омонатга маблағ қўяётганингизда Сиздан ҳеч қандай ҳужжат талаб қилинмайди ва фоиз даромадини олдиндан олиш ҳуқуқига эгасиз.

Қўшимча маълумотларни 54-24-05, 54-18-65 телефонлари ёки банкнинг барча бўлимлари орқали олишингиз мумкин.



деб
номланган
янги омонат
турини
таклиф
этади!

РЕКЛАМА ВА ХУСУСИЙ ЭЪЛОНЛАРНИ «ҲУҚУҚ»ДА ЖОЙЛАШТИРИШ

Тел: 77-68-67, 77-59-31.

Факс: 77-68-67.

РЕКЛАМА

РЕКЛАМА

«БЕКТЕМИР ТЕМИР-БЕТОН» МАҲСУЛОТЛАРИ»

ҳиссадорлик жамияти ва

«АКАТЕКС ТЕКСТИЛЬ» САНОАТ ВА ТИЖОРАТ»

Ўзбекистон - Туркия
қўшма корхонаси

Ўзбекистон халқини
мустақилликнинг 10 йиллиги
билан табриклайди ва ўзбек
халқига буюк бунёдкорлик
ишларида зафарлар тилайди!


Манзил: Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Остонов кўчаси, 8.

Телефонлар: 195-98-37, 195-98-19, 195-98-36.

«РЭМЭЛТРАНС»

ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ БИЛАН



1941 йилда ташкил этилган вагон таъмирлаш заводи 1996 йилга келиб «Рэмэлтранс» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Завод ўзининг мулкчилик шаклини ўзгартирганидан сўнг ривожланиш йўлига чиқди ва муайян ютуқларни қўлга киритди. Чунончи, жамият 2000 йилда 2983989 минг сўмлик иш бажариб, ишлаб чиқариш режасини 114 % га уддалади. Шу билан бирга трамвайлар учун 14761,8 минг сўмлик, троллейбуслар учун эса 8659,9 минг сўмлик эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқарди. Бундан ташқари корхонада 68913,1 минг сўмлик электродвигателлар таъмирланди, улов қисмлари учун ишлатиладиган арматура ишлаб чиқариш 94247,1 минг сўмни ташкил этди.

Корхонада ишлаётган 54 нафар аёлга «Оналар ва болалар» йилида турли имтиёзлар яратиб берилган. Кўп болали оналарга моддий ёрдамлар ажратилди, корхонада ишловчиларнинг фарзандлари ёзги таътилни мазмунли ўтказишлари учун завод тасарруфидаги «Трамвайчи» болалар соғломлаштириш оромгоҳига бепул йўлланмалар берилди.

Завод маъмурияти мустақиллигимизнинг 10 йиллигини муносиб кутиб олинга тайёргарлик кўрмоқда. Улар байрамга совға сифатида ҳозирда тўлиқ таъмирланаётган Навоий кўчаси ва кичик Халқа йўли қурилишига ўз маҳсулотлари билан улуш қўшмоқда.

Ўзбекистон халқини
табриклайди ва
юртимиз
равнақи йўлидаги
фаолиятларида
зафарлар
тилайди.

РЕКЛАМА

РЕКЛАМА

БОЗОРДАГИ ҲИЙНЛАР




ёки харидорни сифатсиз лок-бўёқ маҳсулотларидан қандай ҳимоя қилиш мумкин?

Бозор энг гавжум савдо жойларидан бири ҳисобланади. Деярли ҳар кун нимадир харид қиламиз, бошқалар нимадир сотади. Бозорларимиз ҳам тўкин-сочин. Турли-туман маҳсулотларни қўриб, бозорга нима мақсадда келганинигизни унутиб қўйишингиз ҳам ҳеч гап эмас. Айниқса, лок-бўёқ маҳсулотлари бозоридан шундай ҳолат қўп такрорланади. Маҳсулотлар тури шунчалик кўп, қайси бирини олишни ҳам билмайсиз. Ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харид қилмоқчи бўлсангиз, сифатига «гарантия» йўқ. Хорижийки эса чўнтакчи қақади. Устига-устак сўнгги пайтларда улар ҳам ишончли оқламайди. Лок-бўёқ солинган идишларни бирин-кетин қўлингизга олиб, ёрликларини ўқиб кўраверасиз. Сотувчи эса маҳсулотнинг сифатини мактаб тинмайди. Шунда беҳосдан кўзингиз «Тошкент лок-бўёқ заводи» деган ёрликка тушади ва бор экан-у, дея қувониб кетасиз. Сотувчининг эса ҳамон оғзи тинмайди. «Биламан, мактамасанг ҳам» дея пулни санаб берасиз. Уйингизга келиб, бир пилла чой ичгандек бўласиз-у, эшик-ром, том ёки полни бўяшга тушасиз. Бироқ ҳозиргина фалон пулга бозордан олиб келган бўёқнинг сифатсизлигини қўриб, беҳосдан тутуқиб кетасиз. Чув тушганингизни англайсиз.

Минг афсуски, сўнгги пайтларда бундай ҳолатлар оддий ҳолга айланиб қолди. 56 йиллик тарихига эга бўлган «Тошкент лок-бўёқ заводи»да ҳам сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётгани ҳақида гап-сўзлар кўпайди. Харидорлар кўнгилда «Тошкент лок-бўёқ заводи» ҳам кўзбўйамачиликка ўтибди-да, деган ҳадик пайдо бўлди.

Маҳсулотларнинг сифатлилиги бўйича халқаро мукофотларни қўлга киритаётган завод раҳбарияти бу каби гап-сўзларга чек қўйиш, корхонанинг «TLZ» савдо маркасини ҳимоя қилишга бел боғладилар ва бунинг жавоби айнан лок-бўёқ маҳсулотлари сотилаётган



ган бозорлардан изланди. Жумладан, яқинда «Тошкент лок-бўёқ заводи» мутахассислари пойтахтимиздаги Юнусов қўрилиш материаллари бозорига сафар қилиб, айнан «TLZ» савдо маркаси ёрликлари ёпиштирилган лок-бўёқ маҳсулотларидан бир нечасини харид қилди. Завод мутахассислари бир қарашдаёқ ушбу маҳсулотлар сифатсиз эканини англашди. Корхонага келиб, бозордан харид қилинган маҳсулот кимёвий текширишдан ўтказилганда идишдаги бўёқнинг эллиқ фоизи сувдан иборат эканлиги аниқланди. Устига-устак, идиш ҳажми ҳам заводда ишлаб чиқарилаётган лок-бўёқ идишидан бироз кичик, оғирлиги ҳам меъёردа эмас. Ҳам бундан, ҳам энгдан урилган бу маҳсулот заводда ишлаб чиқарилганига ҳеч қандай асос йўқ.

— «Тошкент лок-бўёқ заводи» ўз маҳсулотлари ёрлиғига маҳсулотнинг

қачон ишлаб чиқарилгани, фойдаланиш муддати, партия рақами, белгиланган муҳр, умуман харидор учун зарур бўлган барча маълумотларни киритади, — дейди бош муҳандис Руслан Абдулжапаров. — Бозордаги «TLZ» маркаси остида сотилаётган лок-бўёқ маҳсулотлари ёрликларига эътибор берсангиз уларнинг барчасида ҳам шундай тўлиқ маълумот ёзилмаган. Демак, билангиз, бу маҳсулот «Тошкент лок-бўёқ заводи»га тегишли эмас.

Албатта, ҳозир шундай устаси фаранглар борки, замонавий техникалардан фойдаланган ҳолда ҳар қандай ёрликларни тайёрлай олади. «Тошкент лок-бўёқ заводи» раҳбарияти бунинг илоҳотида олган ҳолда, яъни ўз маҳсулотларини ҳимоя қилиш мақсадида ёрликларнинг янги нусхаларини ишлаб чиқиш, реклама-ахборот ишларини жонлантириш ва бошқа эҳтиёт чораларини кўрмоқда.

Ўзбекистон қўрилиш моллари бозорларида юз бераётган бундай фирибгарлик бошқа давлатларда ҳам доимий такрорланиб турадиган ҳодисадир. Жумладан, жаҳонга машҳур бўлган «Нескафе» бошига ҳам бир пайтлар шундай ташвишлар тушган. Дунё бозорларида «Нескафе» ёрликларини қўлбола маҳсулотлар шўнчалик кўпайиб кетдики, натижада одамлар

ушбу маркадаги маҳсулотларни харид қилишдан ҳам қўрқиб қолишди. Ниҳоят «Нескафе» ўз маҳсулотини ҳимоя қилишнинг антиқа усулини топди. Қаҳва идишига қўғоз ёрликларини ёпиштиришдан воз кечиб, идишнинг ўзига зарур маълумотларни ёзиш усулини жорий қилди. Шу зайдда ушбу савдо белгиси фирибгарлардан ҳимоя қилинди. «Тошкент лок-бўёқ заводи» ҳам яқин кўнларда ўз маҳсулотларини янги идишларда қадоклашга тайёргарлик кўрмоқда.

Шу ўринда бир мулоҳаза туғилади. Хўш, бозорларимизга бундай сифатсиз



маҳсулотлар қаердан келтирилиши? Наҳотки бунинг олдини олишнинг илоҳоти бўлмаса? Албатта, илоҳи бор. Фақат тегишли идоралар ўз вазифасига жиддий киришса бўлгани. Чунки ушбу маҳсулотлар четдан киритилмапти, балки хуфёна тарзда ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Хўссан, қўштирноқ ичидаги «тадбиркор»лар қўлбола усулларда лок-бўёқ маҳсулотларини ишлаб чиқараётгани бизга маълум: улар кир ювиш ма-

шинасига ўхшаш техника воситаларидан фойдаланиб, унинг ичига кимёвий суюқликларни солади ва аралаштиради. Машина жумрагидан эса қўланса ҳидли суюқлик ажралиб чиқади. Унга бошқа суюқликлар аралаштирилиб, юқори температура ёрдамида сифатсиз бўёқлар тайёрланади. Қўлбола тайёрланган бу маҳсулотлар нафақат сифатсиз, балки инсон саломатлиғи учун ҳам хавфли.

Фирибгарлар лок-бўёқ тайёрлашнинг яна бир оддий усулидан кўпроқ фойдаланадилар. Яъни улар заводда қадокланган 60-100 килограммли идишга солинган лок-бўёқ харид қилиб, унга тенг ба-робар миқдорда аралашма содалари қўшади ва бозорга чиқаради.

Умуман, лок-бўёқ маҳсулотларини харид қилишда жуда эҳтиёт бўлмоқ лозим. Чунки заводлар ўз маҳсулотларини ҳимоя қилиш усулларини янада такомиллаштираётган бўлса, фирибгарлар ҳам бўёқ ишлаб чиқаришнинг янги-янги йўлларини ўйлаб топаётир.

Сиз сифатли маҳсулот харид қилишнинг истасангиз бозорга эмас, балки «Тошкент лок-бўёқ заводи»нинг фирма дўконларига борганингиз маъқул. «TLZ» ўз маҳсулотлари сифатини кафолатлайди.

«ҚИБРАЙ НОН»

Ўзбекистон мустақиллигининг

КОМБИНАТИ

Мамлакатимизда сўнгги йилларда нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кўп қабатли корхоналар ишга туширилди ва таъкидлаш лозим, ҳозир улар ўртасида ижобий маънода рақобат пайдо бўлган. Бу халқимиз дастурхонини бир-биридан ширин, турли-туман, мазали нон маҳсулотлари билан тўлдиришга имкон бераётир.

Тошкент вилояти, Қибрай туманидаги «Қибрай» савдо акционерлик жамиятига қарашли «Қибрай нон» комбинати ҳам бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда фаолият кўрсатаётган корхоналардан бири ҳисобланади. Комбинатда бир кунда 9-10 тонна маҳсулот қайта ишланиб, қибрайликлар дастурхонининг тўкин-сочилигини таъминлаётир.

— Ҳозир комбинатимизда тўққиз турда маҳсулот ишлаб чиқараёмиз, — дейди корхона раҳбари Рухсора опа Абдурахмонова. — Яқинда корхонамизда қандолат маҳсулотлари ва музқаймоқлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Эндиги мақсадимиз корхонани янада кенгайтириб, янги иш ўринларини ташкил қилиш ҳамда халқимиз учун нафақат ширин ва мазали, шунингдек, соғлиқни мустаҳкамловчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришдир.

Комбинатда ҳозир саксон нафар хизматчи меҳнат қилади ва уларнинг ишлаши, дам олиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Маошлар ҳам кам эмас ва ўз вақтида берилмоқда. Шунингдек, ишчиларга моддий ёрдам ажратиб турилибди. Албатта, бу омиллар корхонада иш унумининг ошишига ва маҳсулот сифатининг яхшиланишига катта ёрдам бермоқда. Сиз ҳам Қибрай нон комбинати маҳсулотларидан татиб кўринг. Сифати ва мазаси кафолатланган.

«ҚИБРАЙ НОН» ДОИМО СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА!



ишчилиги билан барча Ватан-доштарини қизин қўлга олиш ва юртимизга тинчлик, дастурхонимизга файз-баракат тилиш.

РЕКЛАМА ВА ХУСУСИЙ ЭЪЛОНЛАРНИ «ХУҚУҚ»ДА ЖОЙЛАШТИРИШ

Тел: 77-68-67, 77-59-31.
Fax: 77-68-67.

УЧАШУВ

МАШХУРЛИКНИНГ
ПОЙДЕВОРИ

меҳнат ва изланишда, — дейди
таниқли бошловчи Музаффарбек
МИРЗАБЕКОВ



— Музаффарбек, сир эмаски, «Замин юлдузлари» фестивалининг нуфузи йил сайин ортиб бормоқда. Халқ меҳрини қозongan, ҳақиқий «юлдуз» маънасида лойиқ санъаткорлар, спортчилар ушбу мукофотга мушарраф бўлишар. Сизнинг ҳам меҳнатингиз эътироф этилиб, улар қаторидан жой олибсиз.

— Мен ҳам барча мухлисларимга, «Сезам»нинг тингловчиларию, «Давр тонгин»нинг томошабинларига, барча юртдошларимизга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Мукофот топшириш жараёнида жуда кўп иштирок этганман, аммо ўзимнинг биринчи олимш. Орадан 5-10 кун ўтган бўлса-да, ҳаяжондан, келаётган табриклардан бошим осмонда. Меҳнатимни эътироф этганларга яна бир бор раҳмат.

— Бир пайтнинг ўзида ҳам радиода бошловчилик, ҳам телевидениедаги фаолият, бунинг устига концерт ва турли тадбирларни олиб бориш оғир эмасми?

— Мен учун икковиям қийин. Нега? Чунки, мен нима қилмай, ўша иш учун бор билимимни, маҳоратимни, қолаверса, кучимни бағишлашга ҳаракат қиламан. Радиода соатлаб жонли эфир олиб бориш ва шу вақт мобайнида тингловчинини зериктириб қўймаслик, унинг асабига теғмаслик ҳамда бир вақтда у кулагётган мавзунини ёқимли тарзда ифодашга масъулият билан чарчасмаслигининг иложи йўқ.

— «Сезам» радиоси айрим тадқиқотларнинг натижаларига кўра тингловчилар орасида анча омма-лашган станция, яъни аудиторияси кўп. Бугун қайси радиостанция «Сезам»га рақобатчи бўла олиши мумкин?

— Бугун инсоннинг имкониятлари шу қадар кенгайиб кетганки, бир дақиқанинг ичида оламшумул ишлар бўлиб кетиши ҳеч гап бўлмай қолди. Радиостанцияларга ҳам тегишли бўлган бу гални бекорга гапирмаяман. Айнан битта станция-

ни ажратиб кўрсата олмайдман. Ҳаммада тенг имконият мавжуд. Аммо ким ўша имкониятдан самарали фойдаланади, бу энди ўша жойдаги муҳитга боғлиқ. Бундан ташқари станцияларнинг муваффақиятида бошловчиларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлади. Мана, ҳозир сиз билан гаплашиб турганимизча, истаган радиостанциянинг мавқеи «Сезам»никидан ошиб кетган бўлиши мумкин. Ким савияли, қизиқарли эшиттириш тайёрласа, улоқ ўшаники.

— Миллий эстрада санъат теварағида бўлаётган гап-сўзлардан шу соҳанинг ичидаги ижодкор сифатида озми-кўлими хабардорсиз. Яқинда бу борада ҳукумат қарори ҳам чиқди. Мавжуд қамчиликларни қандай бартараф этиш мумкин?

— Бу борада менинг ҳам ўз фикрим бор, албатта. Аммо, «Ялла» гуруҳининг тамал тошини қўйган инсонлардан бири Шаҳбоз Низомиддинов билан яқинда бўлган суҳбатимизда у киши айтган бир фикрни жавоб тариқасида келтирсам. «Сув бир лойқаланиб тинади», дейдилар у киши. «Аммо тинганда ҳам жуда тиник, чиройли бўлиб тинади». Турли истеъдодли, истеъдодсиз гуруҳ ва хонандаларнинг қўнайиб кетгани шу сувнинг лойқаланган бўлишига ўхшайди. Бироз вақт ўтсин, сув тинсин миллий эстрадамиз энг юқори босқинга чиқади, унинг теваарағида ҳақиқий санъаткорлар қолади.

— Менимча муштарийларга, газетхонларга ҳам кўнглингиздаги ниятларни айтиш мавриди келди...

— Мен «Она замин» мукофотини қўлимга олаётим, хурсандлигимдан

Музаффарбек Мирзабеков яқинда тўртинчи бор ўтказилган «Замин юлдузлари» фестивалида «Замин юлдузи» мукофотининг соҳиби бўлди. У 1998 йили «Гранд» радиосида иш бошлаганда телевидениедаги қатор кўрсатувлари орқали ҳам томошабинларга анча танилиб улгурган эди. Сўнг «Сезам» радиоси уни таклиф қилди. Бугун ўзининг меҳнати, изланишлари туфайли у станциянинг етакчи бошловчиси ва журналисти. «Сезам» эфирларида таралаётган кўплаб эшиттиришлар муаллифи. Телевидение «Ёшлар» каналида намойиш этиладиган «Давр тонги» дастурининг бошловчиси. Музаффарбек кўплаб концертлар, тадбирлар ва шоуларга ҳам конференсьелик қилади.

диллим тубида ётган энг самимий сўзларимни кичкина бир ривоят орқали изҳор қилган эдим. «Хўш»нинг ўқувчиларига ҳам шу ривоятим орқали ўз тилақларимни айтсам: қадим замонда бир камбағал йигит бўлган экан. Унинг бисотида фақат биттаю битта туя бор экан. Бир кун тунда шу туя йўқолиб қолибди. Ҳалиги йигит кун бўйи тунсини излаб топа олмабди, кун кетиб заминни қоронғулик қоплабди. Йигит қидиришни давом эттириб, ой ёруғида тунсини топибди. Астойдил хурсанд бўлганидан кўкка қараб, ойга миннатдорчилик билдирибди. «Эй, ой, сенга улуг мартаба тилайман». Қарасаки, ой шундоқ ҳам энг юқори нуқтада. «Эй, ой, сенга чексиз гўзаллик тилайман». Бокса, ойнинг ҳуснидай чиройи ҳеч кимда йўқ. Шунда «Эй, ой, сенда нима тилақ, нимаки ният бўлса, шунга етишгин», деган экан. Мен ҳам сизларга шундай демокчиман: илоё, барча ниятларингиз ижобат бўлсин!

Нодир МАХМУДОВ
суҳбатлашди

ФУТБОЛ

МАРКАЗИЙ МАҲКАМА ЖАМОАСИ
ЯРИМ ФИНАЛДА

Мустақилликнинг 10 йиллигига бағишлаб республика прокуратура идоралари ўртасида ўтказилаётган мусобақада профессионаллар тўп сурмасалар-да, ўйинлардаги шиддат, қизиқарлилик, ҳатто киритилаётган голлар ҳам ҳеч бир мухлисни бефарқ қолдирмаяпти. Шу пайтгача гуруҳ баҳслари якунланиб, қуйидаги натижалар қайд этилди:

Андижон — Наманган — 1:1;
Навоий — Бухоро — 2:0;
Марказий маҳкама — Сирдарё — 7:2;
Сирдарё — Жиззах — 1:0;
Тошкент шаҳри — Тошкент вилояти — 1:5;
Андижон — Фарғона — 0:5;
Кашқадарё — Сурхондарё — 0:3;
Навоий — Самарқанд — 0:1;
Қорақалпоғистон — Хоразм — 0:1;
Марказий маҳкама — Жиззах — 6:1;
Ўзбекистон Ҳарбий прокуратураси — Ўзбекистон Транспорт прокуратураси — 8:0;
Самарқанд — Бухоро — 2:2;
Наманган — Фарғона — 4:1.

Марказий маҳкама жамоаси кўра натижасига кўра тўғридан-тўғри ярим финал-га чиқди. Унгача чорак финалда Наманган - Сурхондарё, Ўзбекистон Ҳарбий прокуратураси — Тошкент вилояти, Самарқанд — Хоразм жамоалари бахslashади-лар. Тўп умалок, майдон текис. Барча жамоаларга муваффақият тилаймиз.



АНА ХОЛОС

ОРЗУГА АЙБ... БОР

48 ёшли Эстония фуқароси швед турмасини шу қадар орзу қилар эканки, ҳатто бу орзуси йўлида жиноят қилишдан ҳам тўймади. Турган гап-ки, қилмиши ҳам орзуга яраша: у ҳозир 79 ёшли швед нафақахўрини аёвсиз дўппослаганликда айбланмоқда. Полиция идорасининг маълумоти-га қараганда, айбланувчи жабрдий-да қолнинг бошига болга билан икки-уч туширган. Оқибатда ёшини яшаб қўйган швед амаки хастахонада оғир ахволда ётибди.

Айбланувчи тергов чоғида Швецияга атайин бу мамлакат турмасига тушиш учун келганлигини айтганида полициячиларда Болтиқбўйлик му-хожир ўз юртида бирор жиноят содир этиб келмаганини, деган шубҳа уй-ғонди. Ҳозирда бу борада текширу-лар бошланиб кетди. Яна бир савол очик қолаяпти: нега эстониялик бу киши айнан швед қамоқхоналарида жазо ўтамоқчи?

TV - САБОҚ

Пенсильвания штатида жойлашган Болдуин шаҳридаги банклардан бирида ғалати босқинчилик содир этилди. Бу сафар босқинчилар ҳеч бир «профи» тутмаган йўлни туттиди: бошларига оддий сочқидан ёпинчиқ ясаб олган босқинчилар кассирга тезда 2 минг доллар пул бериш талаб қилинган қорозни узатишди. Қўшимча қилиб тўппонча билан қуролланганлигини, ташқа-рида эса қуролланган шериклари қутиб туришга-нини ҳам маълум қилишган.

Кассир бу дағдағалардан қўрқиб ўрнига эшикни ёпиб, полицияга хабар қилган. Босқинчилар — бири 10, иккинчиси 13 ёшли икки қизалоқ тезда ҳибсга олинди ва вақтинча-лик изоляторга қамаб қўйилган. «Босқинчи» қизалоқларнинг терговда берган кўрсатмасига кўра, улар бу босқинчиликни «чўнтак пули» топиш учун содир этишган. «Босқин» сценарийсини эса TV да берилётган фильмлардан олишган.

БИР ЧИМДИМ КУЛГУ...

Машхур рассом Пиккассоннинг уйи деворларида ўзи чизган суратлар йўқлиги эътиборини тортган дўстлари сўрашибди:

- Сенга ўзинг чизган картиналар ёқмайдимми?
- Жудаям ёқади, лекин чўнтак кўтармайди...

Буюк шоирга дўсти шаъма қилиб сўрабди:

- Биласанми, дунёда ҳар минг кишига битта жинни тўғри келар экан...
- Билман, қолган 999 соғ одам ўша жинни тўқиган шеърин жўр бўлиб ашула қилишди...


Машхур рассом галерея кўжайинидан ўзи чизган суратлар билан хари-дорлар қанчалик қизиқаётганини сўрабди.

— Албатта қизиқишяпти. Ҳатто бир жаноб вафотингиздан кейин сиз чизган расмлар нархи ошишини эшитиб, бир йўла 20 та ишингизни сотиб олди.

- Ажойиб! Ким экан у?
- Сизнинг шахсий врачингиз.

Биз яхши таниган шоир хорихдан қайтаётиб бохжоначилар кўригидан ўтгач, роса хурсанд бўлибди.

Сабоби, бохжоначи унга бир ҳафта олдин йўқотиб қўйган кўзойнагини топиб берибди.



«Энди нават бизда!..»

ЧИДАГАНГА ЧИҚАРГАН

Канаданинг Торонто шаҳри кўчаларидан бирида содир бўлган автоҳалокатнинг гувоҳи бўлган полиция инспектори ҳали-ҳамон ўзига келолмаяпти. Гап шун-даки, у ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш учун имтиҳон топшираётган ёш хонимга автосини четроққа олишни буюрганида, ҳаваскор ҳайдовчи аёл «тормоз» ўрнига «газ» педалини босиб юборган. Оқибатда ёнма-ён турган олти автомобил пачоқ бўлган, ачинарлиси, шу

атрофдаги пиёдалардан бири жиддий жароҳат олган. Торонтолик ёш хонимнинг ўзи ҳам яхшигина жароҳат-ланган.

Фигони фалакка чиққан, текин томошага гувоҳ ва бир томондан ҳодисасига сабаби бўлган полисмен ҳозирда тегишли идоралардан бу аёлга ҳеч қачон ҳайдовчилик гувоҳномаси бермасликларини сўраяпти.

ЗОХИД тайёрлади